

Ҳар бир берилган номерга  
тўрттадан жавоб вариантлари  
берилган, назарингизда улардан  
иккита ва ҳаттоки учтаси сизда  
бордек туюлсада фақат  
биттасини яъни ўзингизга тўғри  
келадиган жавобни танланг.

- А) актив
- Б) хушчақчақ
- В) оғир, босиқ
- Г) уялчанг

- 2. а) ўзини тутта олмайдиганлар
- Б) энергияли ва ишбилармон
- В) ишни ўз вақтида бажарадиганлар
- Г) янги шароитда ўзини йўқотиб қўймайдиганлар
-

3.а) сабрсиз

Б) бошлаган ишни охиригача  
обора олмайдиганлар

В) эҳтиёткор ва фикрловчи

Г) янги одамлар билан  
муомала қилишда  
қийналадиганлар

- 4. а) бетгачопар
- Б) ўзига ортиқча баҳо бериш
- В) кута билиш
- Г) ўзига ишонмаслик

- 5. а) қўрқмаслик ва ташаббускорлик
- Б) янгиликни тез қабул қиладиган
- В) индамас ва кўп гапиришни ёқтирмаслик
- Г) ёлғизликни осон ўтқаза олишлик

- 6. а) қайсарлик
- Б) ўзини айтганини қила олмаслик
- В) ўзини тутган ҳолатда суҳбатлашиш (бақирмаслик)
- Г) танҳоликни ёқтириш
-

- 7. а) музокараларда ўз фикрини ўтқаза олиш
- Б) қийинчилик ва омадсизликка эътибор бермаслик
- В) чидамлик ва ўзини ушлай билиш
- Г) ўзи билан овора бўлиб қолиш



- 8. а) таваккалчиликнинг сизда борлиги
- Б) ҳар хил шароитларга осонлик билан мослаша олишингиз
- В) бошлаган ишингизни охирига олиб бора олишингиз
- Г) тез чарчайсиз

- 9. а) югуриб-югуриб ишлайсизми
- Б) янги ишга қизиқиш билан киришасизми
- В) ўз кучингизни бекорга сарф қилмайсизми
- Г) паст овоз билан гапирасизми, баъзида ундан ҳам
-

- 10.а) гина сақлайсизми
- Б) бирор нарсага қизиқиш сизда тез сўнадими
- В) кунлик иш тартибига қатъий риоя қиласизми
- Г) суҳбатдошингинг характериға мослаша оласизми

- 11. а) гапирганингизда интонация билан гапирасизми
- Б) бир ишга киришиб тезда бошқасига ўтиб кетиш қобилиятига эгамисиз
- В) қийинчиликни осонлик билан ўтқазасизми (ўзини ушлаш)
- Г) оғир вазиятларда йиғлаб юборасизми
-

- 12. а) ўзинеи тута олмаслик
- Б) бир хил шароитга мослашиш
- В) масалалар ҳал бўлаётганда эътиборсизлик
- Г) ўзига бошқаларга нисбатан юқори даражада талабчанлик

- 13. а) агрессив ҳолатида бўлиш
- Б) ўзини йўқотмаслик ва муомалани тўғри қилиб бошқаларни эшита билиш
- В) бировдан хафа бўлмаслик, сизга нисбатан муомилани тўғри қабул қилиш
- Г) бировлардан хавсираш

- 14. а) камчиликларга чидай олмаслик
- Б) чидамлилилик ва ишлаш қобилиятининг устунлиги
- В) доимий ўз қизиқувчанлигининг ўзгармаслиги
- Г) ҳамма нарсани ўзига олиб тез хафа бўлиш
-

- 15. а) аниқ ҳатти-ҳаракатларга эгамисиз
- Б) ҳатти-ҳаракат билан тез ва қаттиқ гапириш
- В) шошилмасдан ишга киришувчанлик ва бошқа ишга ўтганда ҳам шундай давом этиш
- Г) ҳамма нарсага хафа бўлишлик



- 16. а) ишни тез ҳал қиласизми
- Б) қийин шароитларда ўзингизни тута оласизми
- В) ҳаммага тенг қарайсизми
- Г) бошқалар билан ҳам суҳбат қуришни ёқтирасизми

-

- 17. а) янгиликка доим интилиб борасизми
- Б) ҳар доим кайфиятингиз кўтаринкими
- В) ҳамма ишни сифатли қиласизми
- Г) кам ҳаракатлилик ва уятчанлик сизга хосми
-

- 18. а) тез ва қўрс ҳатти-ҳаракатга эгамисиз.
- Б) тез ухлаб тез уйғонасизми
- В) қийинчилик билан янги шароитга мослашасизми
- В) бўйсунувчанлик, тортинувчанликнинг мавжудлиги

- 19.а) ишни шошма шошарлик билан ҳал қилишингиз
- Б) мақсадингиз эришишда қаттиъян ҳаракат қиласизми
- В) кам ҳаракатчанлик
- Г) сизга нисбатан ҳамдардлиқни хоҳлайсизми

- 20. а) тезда характерингиз ўзгариб турадими
- Б) бошқа ишдан иккинчи ишга ўтиш сиз учун осонми
- В) жаҳл чиққанда ўзини тута билиш
- Г) тез таъсирчанлик

- Неча марта “а”, неча марта “б”, неча марта “в” ва “г” ни танлаганингизни санаб чиқинг. Масалан: Сиз “а” вариантыни 6 марта танладингиз:

- “а”  $6 \times 5 = 30$

- “б”  $3 \times 5 = 15$

- “в”  $10 \times 5 = 50$

- “г”  $1 \times 5 = 5$

- **Холерик** - нерв системасидаги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучлм бўлиб, бу икки жараён бирон нерв маркази доирасида тез ўрин алмашади ва шу боис бу типга мансуб шахс бирон-бир фаолиятга тез киришиб, тезда совиб кетиши мумкин. Янгиликларга эҳтироси баланд, ғайратли ва ўта ҳаракатчан, бир маромдаги фаолиятни, бир маромдаги ишларни ёқтирмайди, доимо янгиликка интилувчан. Янги муҳит ва жамоада ўзини яхши ҳис қилади ва ўзгарувчан шароитларга тез мослашади. Бундай инсонларга янги ўзлаштираётган фаолият турларини вазифа тариқасида бериш ўринли. Шунингдек, узоқ вақт давомида маълум тартиб талаб қилувчи ишга мослашишлари учун кучли ички зўриқишга борадилар. Нутқи узулувчан, бир хил эмас. Бетга чопар. Кута билиш қобилиятига эга эмас, чидамсиз. Ўзининг қизиқишларида оғиб кетади.

- **Сангвиник** – қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучли, лекин мувозанатлашган. Бундай шахс ўзини қўлда ушлай олади, интизомли ва холерик каби шошқалоқ эмас, бирон ишга кучини тўғри тақсимлайди, янги фаолият турини тез ўрганади, низоли вазиятда келишувга бора олади, келажакка ишонч билан қарайди. Тавакалчиликка мойил, тезда натижага эришишга ҳаракат қилади , пухта ўйлаб ва тез қарор қабул қилади, кўтаринки ва турғун кайфият эгаси, жонлик, ўзини тута била олади. Энг қийин шароитларда ҳам ўзини йўқотмайди. Умуман олганда сангвиник баланд, тез аниқ гапиради. Муомиласи яхши. Янги жамоада ўзини ноқулай сезмайди. Бир ишга тез киришиб бошқа ишга ҳам тезда ўтиб кетади. Ташаббускор, лекин айрим масалаларда шошма шошарлик қилади.

-



- **Флегматик** - ҳаракатлари секин, шошилмас ва сабр-тоқатли, танҳоликни яхши кўради, мулоқот доирасини кенгайтиришни ҳоҳламайди, дўстларига содиқ ва уларни кўпайтириш нияти ҳам йўқ,, ўрганиб қолган шароитида яхши фаолият юритади ва ўзгарувчан муҳитга мослашиши қийин, шовқинни ёқтирмайди, бир жойда ўтириб бажариладиган ишни маъқул кўради. Янги одамлар билан мулоқотга киришиши қийин, лекин ўрнатилган, алоқаларни сақлашга интилади. Саранжом сариштали, тартибни ёқтиради, интизомли, бошлаган ишини охирига етказишга ҳаракат қилади, ташкилотдаги анъаналарга содиқ. Қуйидаги ярим ҳазил ўхшатиш қарама-қарши темперамент типлари тавсифини тушунишни енгиллаштиради: “одатда урушни холерик ва сангвиниклар олиб борадилар, флегматиклар эса вайроналарни тиклайдилар”.
-

- **Меланҳолик** - нозик дидли, ҳиссиётга ўта берилган, ўз ички дунёсига ва кечинмаларига эътиборли. Бундай инсонлар орасида санъатга қобилиятлилар кўп учрайди. Улардан ажойиб рассомлар, ёзувчи ва шоирлар этишиб чиқади. Мураккаб ва низоли вазиятларда ҳаракати суст, тезкор вазифаларни ҳал этишда асабийлашади ва тез толиқади. Ҳамма ҳиссиётлари, ташвишлари ўз ичида. Жуда сезувчан, ўз кучига ишонмайди. Уятчан, яккаликни ёқтиради. У билан суҳбатлашиш жуда қийин. Ўзининг қизиқишларига бир хил. Янги шароитда ўзини йўқотмайди.
- Юқорида санаб ўтилган темперамент типлари туғма бўлиб, уларни ўзгартириб бўлмайди. Лекин, инсон ўз-ўзини тарбиялаши давомида иродавий сифатларни ишга солган ҳолда бирон-бир темпреаментга хос хислатларни ўзида шакллантириши мумкин.

-